

ВІЗНЕС-ЕКСПЕРТ

№ 11, 2015

ІЛМІЙ АМАЛІЁТ

КИММАТЛИ КОФОЗЛАР

МОЛІЯ

ХУСҲИЙЛАШТИРИШ


Корпоратив гузилмалар ва давлат
ўрасидаги ўзаро таъсирнинг
муносабатлар тизими

7

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Эффективность менеджмента —
основной фактор эффективности
предприятия

89



ТЕМА НОМЕРА:

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

ФИНАНСЫ

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ВНИМАНИЕ!
Согласно постановлению Президиума Высшей
аттестационной комиссии при
Кабинете Министров Республики Узбекистан
№201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал
«Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных
изданий Высшей аттестационной комиссии
для докторских диссертаций.

85

Основные направления
совершенствования
земельнооценочных работ
в условиях рыночной экономики

97

Стратегия развития
инновационно-конкурентных
характеристик трудового
потенциала

33

Инвестиция мухитини
такомиллаштиришда
банкларнинг роли

44

Хусусий секторни
ривожлантиришда инвестиция
мухитини такомиллаштириш
йуллари

Инвестиция муҳитини такомиллаштиришда банкларнинг роли

У.А.ХАЙДАРОВ,
ТАДУ мустақил изланувчиси.

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбекистон шрифтсоди-
ётини ривожлантиришда банкларнинг
роқини кенгайтириш масалалари ёри-
тилган. Инвестицияларнинг ўрни ҳамда
инвестиция муҳитини такомиллашти-
ришда банкларнинг асосий вазифалари
келтирилган.

В данной статье рассматриваются
вопросы расширения участия банков в
развитии экономики Узбекистана. При-
водятся основные задачи банков в совер-
шенствовании инвестиционного климата
и роли инвестирования.

This article discusses the issues of
expanding the participation of banks in the
economy of Uzbekistan. There are main tasks
of the banks to improve the investment climate
and the role of investment.

Банклар капиталининг ўсиб,
активларининг кенгайиб бориши
банк тизимини ҳам хўжаитини

комплекс ривожлантиришининг лоқомотивига
айлангирди. Ўқтисодаётини тарқибий

ўзгартириши доирасида банклар инвестициялари
ҳисобига мамлакатимизда юзаб кент қўламли

замонавий, юқори технолологияларга асосланган
ноқихлар амалга оширишмоқда. Шу йинининг

биринчи ярим йинининг якунлари бўйича

банклар томонидан ўқтисодаётининг баазавий

тармоқларига йўналтирилган 37,8 трлн. сумдан

ортиқ қревитлар янги иши бақарипшларнинг

барпо этишга замин яратди. Сўнги йинарда

мамлакатимизда янги ички маҳсулотнинг ўртача

8 фойдан ўсиб боришда қичик бизнес ва

хўсусий тақбирқорларнинг ўлуши катта бўлмоқда.

Янги ички маҳсулотнинг 56 фойси ўшбу соҳага

ўтири келмоқда ва иши биван банда аҳолининг 76,5

фойдан эиваи мазкур тармоқда мехнат қиммоқда.

Президентимиз И.А.Каримов соҳада кеңаётган

жараёнлар ва қўрсаткичларини таҳлил этир экан,

соҳанинги истиқболни поқок ва ҳам янв катта имко-

ниятиларга эга эканини, айнан хўсусий мулк инсонда

изиланиш, ингиливиниши, ўлар мабалазарлардан

самарани фойдаланиб, ўз иши бақарипшларнинг

кенгайтириб, нафақат ўзи ва оинасини боқави, ба-

ки ҳам фаровонлигига, минвий ўқтисодаётимиз

равнақига ҳисса қўшаётганини энг катта ютуқ си-

фатида этироф этиди ҳамда "Мамлакатимизнинг
барқарор ўқтисодавий ўсиши ва истиқболни, аҳоли-
нини ҳаёт даражаси ва сифатини беалғаб беири-
ла қўпи жиҳатдан боқик бўлаган энг муҳим ўстурув
вазифа – бу хўсусий мулк ва хўсусий тақбирқорларни
ривож ийиштириш барча тоғ ва тўсиқларни олиб
ташваш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беиридан ибто-
ратипир" деб беқиз тақияламоқдиган (1).

Жорий йил бошидан буюн Миллий банк томо-

Таянч сўзлар: Инвестициялар, тўридан-тўри хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, инве-
стицияларнинг ривожлантириши, банклар, тижорат банклари.

нидан қайта молиялаш ставкасининг 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши шу йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига кредит ажратиш ҳажмини 30,5 фоиз кўпайтириш имконини берди ва умумий ҳажмнинг 79,7 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

Хусусан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида жорий йил бошидан буён технологик ускуна харид қилиш ва айланма капитални тўлдириш учун истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан 2,2 триллион сўмдан ортиқ ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп кредит ажратилди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,5 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 21,6 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш 8,3 фоиз кўпайди.

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли муҳим ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топпиришни тезлаштириш, шунингдек, ҳудудлар саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 18 триллион сўмни ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 9,8 фоиз ошди.

Ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари билан бирга инвестициявий фаолликнинг ўсиши қурилиш ишлари ҳажмини 18 фоиз ошириш имконини берди.

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 1,5 миллиард доллари ёки 21,3 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар (ўсиш 11 фоиз), жумладан, 1,2 миллиард долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ўсиш 10,9 фоиз) ташкил қилди. Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлари ҳажми 5,6 фоиз ўсди ва 225 миллион долларни ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган энг кўп инвестициялар ҳажмини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ташкил қилди (умумий ҳажмининг 32,3 фоизи) ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 31,8 фоиз ўсди. Бу эса, ўз навба-

тида, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича тармоқ дастурлари, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар фаол амалга оширилаётганидан далолат беради.

1-жадвал.

2015 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари, 2014 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	108,1
Истеъмол товарлари	113,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,5
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	109,8
Қурилиш ишлари	118,0
Чакана савдо айланмаси	114,8
Пулик хизматлар	110,4
Жами хизматлар	113,1

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014 йилнинг шу даврига нисбатан мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,7 фоизга ўсиш кузатиламоқда.

Ўтган олти ойда мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 1,5 млрд. доллари ёки 21,3 фоизини хорижий инвестициялар ва кредитлар (ўсиш 11%), жумладан, 1,2 млрд. долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди. Мамлакатимиз бўйича жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 160,9 млн. долларлик 63 та лойиҳа амалга оширилган. Кичик бизнесни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг 86,4 млн. долларга тенг кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси кўмагида кичик бизнес субъектларининг 16,7 млрд. сўмлик 24 та лойиҳаси молиялаштирилди.

Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, унинг таркибий қисми бўлган банк тизимида инвестиция муҳитини янада яхшилаш масалаларига изчил эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда хорижий

